

## ТАРИХИЙ ҲИКОЯДА БАДИИЙ МАНТИҚ ВА БАДИИЙ ҲАҚИҚАТ УСТУВОРЛИГИ

Акбарова Муҳайё

Анджон шаҳар 37-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7231879>

**Аннотация.** Мақолада адабий жараёнда яратилаётган тарихий ҳикоялар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр юритилади. Шарофат Ашурованинг “Апамоҳнинг армони” ҳикояси мисолида тарихий ҳақиқат ва бадиий ҳақиқатнинг мантиқий боғланиши таҳлил қилиниб, мисоллар орқали изоҳланади.

**Таянч сўз ва иборалар:** тарихий ҳикоя, тарихий ҳақиқат, бадиий тўқима, бадиий мантиқ, Спитамен образи.

## ПРИМАТ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛОГИКИ И ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ПРАВДЫ В ИСТОРИЧЕСКОМ ПОВЕСТВОВАНИИ

**Аннотация.** В статье говорится мысль о литературном процессе создаваемых исторических рассказах, о их своеобразии. Например рассказа Шарофат Ашуровой “Неисполненные мечты Апамоха” анализируется взаимосвязь исторической правды и литературного вымысла, объясняются через примеры.

**Основные слова и словосочитания:** исторический рассказ, исторический правда, художественный вымысел, художественная логика, образ Спитамена.

## THE PRIMACY OF ARTISTIC LOGIC AND ARTISTIC TRUTH IN HISTORICAL NARRATIVE

**Abstract.** The article discusses the historical stories created in the literary process and their specific aspects. One the example of Sharofat Ashurova's story “Apamoh's Dreams”, the logical connection between historical truth and artistic truth is analyzed and explained through examples.

**Key words and phrases:** historical story, historical truth, artistic texture, artistic logic, image of Spitamen.

## КИРИШ

Бугун адабиётимизда чинакам ранг-барангликни кузатишга муваффақ бўлиб турибмиз. Бу ранг-баранглик шаклга ҳам, мазмунга ҳам бирдек дахлдор десак, муболага бўлмайди. Истиклол даври насрида янгича фалсафий асосдаги, аввалгилардан фаркли образлар системасига эга бўлган бадиий асарларни кўплаб учратамиз. Агар уларни бундан 25-30 йиллар илгари ёзилган асарлар билан таққосласак, юқорида биз тилга олган ранг-баранглик, содир бўлган ўзгаришлар янада яққолроқ кўзга ташланади.

Ҳикоя – насрдаги энг етакчи жанрлардан бири. Аслида-ку, ҳар бир жанрнинг ўзига яраша ўрни, мавқеи бор. Аммо ажралиб турувчи бир қатор хусусиятларга, кенг имкониятларга эга бўлган ҳикоя жанри адабий жараёнда фаоллиги, бошқа жанрларга нисбатан кўпроқ яратилиши ҳам ҳақиқат. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, “Ҳар бир миллий адабиётнинг ўзига хос кундалик нафаси, қадам олиши, мавқеи – пулси ҳикояда кўпроқ намоён бўлади”- деганида Хуршид Дўстмуҳаммад ҳақ эди (Йил ҳикоялари: ютуқлар ва изланишлар. //Тил адабиёт таълими, 2011, №7).

Истиклол даври насрида яратилган ҳикояларнинг аксарият қисми мазмун-моҳиятига кўра янгича, янгиланган бадиий мезонлар асосида шакллантирилган,

кутилмаган ва айна чокда замонавий долзарб мавзуларда. Бунинг сабабларидан бири сифатида, айна пайтда, асосийси деб Ғарб адабиётидан миллий адабиётимизга аста-секин кириб келиб, унга тобора сингишиб кетаётган модернизм, постмодерн адабиёти таъсири кўрсатилмоқда. Буни инкор этмаймиз. Аммо бу фикр жорий адабий жараёнда яратилаётган ҳамма ҳикояларга ҳам бирдек тегишли эмас. Чунки анъанавий (реалистик) йўналишда, бизга жуда яқин бўлган мавзуда ёзилиб, савияси анча чуқур, бадиий қиммати юқори бўлган ҳикоялар ҳам талайгина.

## МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мунаққид Умарали Норматов “Бизда “тарихий роман”, “тарихий драма” истилоҳлари кўп қўлланади, бироқ “тарихий қисса”, хусусан, “тарихий ҳикоя” атамалари кам ишлатилади” (У.Норматов. “Умидбахш тамойиллар”, 112-бет) деб, бунинг сабабини тарих кенг кўламдаги нигоҳ, мушоҳадаларни талаб этиши, ана шунинг учунми ёзувчилар тарихий мавзудаги асарларни, одатда, йирикроқ жанрда ёзишни маъқул кўришлари билан изоҳлайди.

Дарҳақиқат, матбуотни кузатиб, унда эълон қилинаётган қатор тарихий ҳикояларни мутолаа қиларкан, улар орасида эътиборга молик, тарихий мантиқ ва ҳақиқатга зид келмайдиган, аксинча, бадиий мантиққа мувофиқ бадиий ҳақиқатни акс эттирган ҳикоялар кўп сонли бўлмаса-да, борлигига амин бўламиз. Ана шундай ҳикоялардан бири сифатида Шарофат Ашурованинг “Апамоҳнинг армони” ҳикоясини эътироф этишимиз мумкин. Муаллиф ҳикояда узоқ ўтмишдан, Юнон-македон давлати ҳукмдори Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга ҳужуми ва ана шу ҳудудларни истило қилган даврдан ҳикоя қилади. Бизга маълумки, милоддан аввалги 329-328 йилларда Александр Македонский Турон заминида бостириб киради ва Мароқандни осонгина забт этади. Сўнгра, у Танаис (ҳозирги Сирдарё) бўйида жойлашган қалъаларни босиб олишга ҳаркат қилиб юрган кезларида, Спитамен бошчилигида кўзғолон кўтарилади ва у 3 йил мобайнида юнон подшосига қарши мардонавор курашлар олиб боради.

Спитаменнинг босқинчиларига қарши кураши, кўрсатган жасоратлари ҳақида кўплаб халқ афсоналаридан тортиб қатор бадиий асарларда ҳикоя қилинади. В.Яннинг “Кўрғон узра оловлар”, Я.Илёсовнинг “Суғдиёна”, М.Қориевнинг “Суғд қоплони” тарихий романлари ана шундай асарлар сирасидан. Аммо “Апамоҳнинг армони” ҳикоясида, улардан фарқли ўлароқ, Спитаменнинг ўлимидан кейинги воқеалар, янаям аниқроғи, унинг қизи Апамоҳнинг тақдири ёритиб берилади. Фикримизча, муаллифнинг мақсади шунчаки халқ қаҳрамони жигаргўшасининг бир томондан аянчли, бир томондан шарафли ҳаёт йўлини тасвирлашдангина иборат эмас. У шу воқеалар тасвири асносида бошқа бир тарихий ҳақиқатни очиб беришга ҳаракат қилади ва маълум маънода бунга эришади ҳам.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Қадимги юнон тарихчиларининг эсдаликларида Спитаменнинг ўлими сабаби деб унинг аёли томонидан қилинган хиёнат кўрсатилган. Юқоридаги ҳикояда қаламга олинган воқеалар асосида эса худди шу фикрлар буткул янглишлиги асосли тасдиғини топади ва кўз олдимизда янги бир бадиий ҳақиқат бор бўй-басти билан гавдаланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ижодкор реал тарихий фактларни қай даражада мукамал мушоҳада этгани ё воқеликка қанчалик ижодий ёндошганини тўла ишонч билан айтиш мумкин эмас. Чунки орадан ўтган шунча замондан сўнг Спитамен хотинининг хиёнати курбони

бўлгани тарихий ҳақиқат дейишимизга асос берувчи юнон тарихчиларидан қолган битикларнинг ўзи қай даражада ҳақиқат эканлигини кафолатли айта олмаймиз. Аммо, назаримизда, муаллиф бадиият чегараларини босиб ўтмайди, тарих мантиғига зид келадиган фикр айтмайди. У реал ўтмиш воқелигини ўз қалб призмасидан ўтказди ва уни ўз шуурида қайтадан бадиий инкишоф этади. Балки ҳикоя яратилишига сабаб ёзувчининг ўтмиш воқелигини ўрганиш мобайнида кўнглида туғилган шубҳалардир. Чунки миллатимиз ўз халқи, унинг эркини ҳар нарсадан устун қўйгани, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, юрт озодлиги учун мардонавор курашгани айни ҳақиқат. Оз сонли жангчилари билан босқинчиларга қарши аёвсиз курашган шахс – Спитаменнинг ёнида ҳамиша елкама-елка турган аёлнинг бундай мудҳиш хатога йўл қўйиши мумкин эмас, деган фикр келгандир унинг хаёлига. Шунақа бўлиши мумкин ва бунинг ҳеч бир ёмон ери йўқ. Энг муҳими асардаги бадиий ҳақиқатга, бадиий мантиққа путур етмаслиги.

## **МУҲОКАМА**

Ҳикоя воқеалари билан танишиб бораркан, ўқувчи Апамоҳ образида ҳақиқий ўзбек аёлининг тимсолини яққолроқ кўриб, англаб бораверади. Ҳа, бу образ ғурури тоғлардан-да баланд, закоси қилич тиғидан-да ўткир, сабри уммондан ҳам поёнсиз чин ўзбек аёлининг сиймоси. У ёв лашкарбошисининг чин муҳаббатига ҳам айни шу томонлари билан сазовор бўлган, унинг қалбида ўз юртига нисбатан оловли меҳр уйғота олганди. Аксинча, унинг ўзи ошиғига кўнглини очмайди, бир умр қалбининг туб-тубида ўз ёстикдошига нисбатан нафратини сақлаб яшайди. Ҳолбуки, Апамоҳ отасининг ўлими ҳақидаги бор ҳақиқатни – Спитаменнинг ўз ғанимлари томонидан қатл этилгани, бу хоинликни усталик билан онасининг номига боғлашганини айнан ундан билади. Фақат шундагина у ҳам ўз умр йўлдошига, ҳам гуноҳсиз онасига нисбатан ноҳақлик қилганини англаб этади, ҳикоянинг номланиш сабаби шу нуқтада ойдинлашади.

## **ХУЛОСА**

Тарихий ҳикоя учун асос сифатида хизмат қилган воқеа ижодкорнинг меъёрдаги ҳиссий ёндашуви натижасида чинакам бадиият ҳодисасига айланади ва уни ўқиган китобхон учун бир мулкка айланиб, унинг шуурида янгитдан ҳаёт бошлайди. Агар у оддий тарзда баён этилса, ҳеч қайси бир ўқувчида қизиқиш уйғота олмайди. Қайсидир маънода, биз таҳлил этган Шарофат Ашурованинг “Апамоҳнинг армони” ҳикояси анчамунча китобхонга манзур бўлган ва уларнинг кўнглида ҳаёт бошлашга улгурган.

## **REFERENCES**

1. Ашурова Ш. Апамоҳнинг армони // Шарқ Юлдузи. 1999, №7, -Б. 108-114.
2. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Т.: Маънавият, 2000.
3. Хуршид Дўстмуҳаммад (Йил ҳикоялари: ютуқлар ва изланишлар. // Тил адабиёт таълими, 2011, №7).